

Фикҳ 185-дарс. Намознинг сифати (бешинчи мақола)



19:00 / 20.05.2022 2765

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعُ هَلَلَا يَلَصِدُ هَلَلَا لَوْسَرَّ نَأُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ دُعُوسَ مَنُوبٍ هَلَلَا دَبَعُ نَع
هَلَلَا تَائِي حَلَلَا: أَوْخَا يَفِوَةَ هَلَلَا طَسَوِ يَفَسَلَجَ إِذْ لَوْقِي نَأَكْفَ: لَأَقُ هَائِي هَمَلَع
مُأَلَسَلَا هُنَأَكْرَبَّو هَلَلَا هَمَحَرَّو يَبَّنَلَا هَائِي أَكْيَلَعُ مَأَلَسَلَا تَابِّي طَلَاوُتْ أَوْلَصَلَاو
هُدَبَعُ أَدْمَحُمَّ نَأُ دَشَأُو هَلَلَا إِهَلَا إِهَلَا نَأُ دَشَأُو، نَيَحَلَصَلَا هَلَلَا دَابَعُ يَلَعُو أَنْ يَلَع
نَأَكْنُ إِوْءِدَّ شَتُّنُ مَعْزَفِي نَيَحَضَنَةَ هَلَلَا طَسَوِ يَفَنَأَكْنُ مَثُ: لَأَقُ هَلُوسَرَّو
دَمَحَأُ هَأَوْرَ. مَلَسُيْ مَثُ وُعْدِي نَأُ هَلَلَا عَاشَ أَمَّو دَشَتْ دَعَبَ أَعَدَ أَوْخَا يَفِ

Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига ташаҳҳудни ўргатдилар. У зот намознинг ўртасида ўтирганда ҳам, охирида ўтирганда ҳам ўшани - «Ат-тахиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибату, ассалааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу, ассалааму алайна ва алаа ибодиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа илаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»ни айтар эдилар. Сўнгра, агар намознинг ўртасида бўлса, ташаҳҳуддан фориф бўлганда турар эдилар. Агар охирида бўлса, ташаҳҳуддан кейин Аллоҳ хоҳлаганича дуо қилар, сўнгра салом берар эдилар».

Аҳмад ривоят қилган.

لَوْ قَيِّمَ لَسَوَّوْهُ لَعَلَّ عُلَّ لَلَّ لَّ صَّ يُّ بَّ نَّ لَّ نَّ اَكْ : لَّ اَقُّ هُوَ عُلَّ لَلَّ لَّ يُّ ضَرَّ رَّ عُرَّ عُنَّ بَّ بَّ عَكَّ نَّ ع
لَّ اَوَّ مَّ يُّ هَ اَرْبِ اِ لَّ عَ تَّ يُّ لَّ صَّ اَمَّ كُ ، دَّ مَّ حُّ مَّ لَّ اَ لَّ عَ وَّ دَّ مَّ حُّ مَّ لَّ عَ لَّ صَّ مُ هَ لَّ لَّ ا : «ةَالَّ صَّ لَّ ا يُّ ف
كُنَّ اِ ، مَّ يُّ هَ اَرْبِ اِ لَّ اَوَّ مَّ يُّ هَ اَرْبِ اِ لَّ عَ تَّ كُ رَّ اَبَّ اَمَّ كُ ، دَّ مَّ حُّ مَّ لَّ اَوَّ دَّ مَّ حُّ مَّ لَّ عَ لَّ كُ رَّ اَبَّ وَّ ، مَّ يُّ هَ اَرْبِ اِ
هُ طُّ فُّ لَّ لَّ اَوَّ يُّ عَ فَّ اَشَّ لَّ اَوَّ سُّ مَّ حُّ لَّ اَوَّ هَ اَوَّ رَّ . «دِّي حِّ مَّ دِّي مَّ حَّ

Каъб ибн Ужра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам намозда:

«Аллоҳумма солли ғалаа Муҳаммадин ва алаа аали Муҳаммадин, камаа соллайта ғалаа Иброҳийма ва аали Иброҳима. Ва баарик ғалаа Муҳаммадин ва аали Муҳаммадин, камаа баарокта ғалаа Иброҳийма ва аали Иброҳийма. Иннака ҳамиидун мажиид», дер эдилар».

Бешовлари ва Шофеъий ривоят қилишган. Лафз ўша кишиники.

Ташаҳҳуддан кейин салавот айтиш суннатдир.

Салавотнинг сийғаси ҳам турли ҳадисларда турлича келган, ана ўшалардан бирини айтилса бўлади.

«Аллоҳумма солли ғалаа Муҳаммадин» – «Аллоҳим! Муҳаммад алайҳиссаломга Ўзингнинг зиёда раҳматларингни нозил қилгин».

«Ва алаа аали Муҳаммадин» – «Муҳаммаднинг оила аъзоларига ҳам».

«Камаа соллайта ғалаа Иброҳийма ва аали Иброҳима» – «Худди Иброҳимга ва Иброҳимнинг оила аъзоларига Ўз раҳматингни нозил қилганингдек».

«Ва баарик ғалаа Муҳаммадин ва аали Муҳаммадин» – «Муҳаммадга ва Муҳаммаднинг оила аъзоларига ўз баракангни нозил қил».

«Камаа баарокта ғалаа Иброҳийма ва аали Иброҳийма» – «Худди Иброҳимга ва Иброҳимнинг оила аъзоларига Ўз баракангни нозил қилганингдек».

«Иннака ҳамиидун мажиид» «Албатта, Сенинг Ўзинг мақталган, улуғланган Зотсан».

Кейин одамлардан сўрамайдиган нарсалар ила дуо қилади ва ўша ердаги одам ҳамда малакларни ният қилиб, ўнг ва чап тарафларига салом беради.

Намознинг ичидаги дуода одамлардан сўрайдиган нарсаларни тилаб дуо қилиш жоиз эмас, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад келтирган ривоятда: «Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», деганлар.

Бизда Пайғамбар алайҳиссаломга салавотдан кейин «Аллоҳуммағфирли» деб бошланадиган машҳур дуони ўқиш одатга айланган.

«Аллоҳим! Менга фалон нарсани ризқ қилиб бергин!», «Фистончини хотин қилиб бергин», каби дуолар ҳаромдир.

Намознинг ичидаги дуо албатта араб тилида бўлиши шартлигига барча фуқоҳолар иттифоқ қилганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди